



## ТРАНСФЕРТ НАРХНИ БЕЛГИЛАШДА СОЛИҚ НАЗОРАТИ ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**Абдиев Жаҳонгир Ибрагимович**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0007-9907-5262

[jahongir.abdiev@soliq.uz](mailto:jahongir.abdiev@soliq.uz)

**Аннотация.** Ушбу мақолада жаҳондаги нуфузли компанияларда молиявий ҳолатни барқарорлаштириш, янги иш ўринларини яратиш ва иқтисодий ўсишга эришиш мақсадида «бошқарувнинг халқаро стандартларига ўтиш, кластер ва кооперация тизимидаги субъектларда молиявий битимлар тузиш жараёнида трансферт баҳолардан фойдаланиш, операцион сегментлар бўйича молиявий ва бошқарув ҳисоботларини тақдим этиш» лозимлиги белгилаб қўйилган. Халқаро тажриба мазкур муаммоларнинг назарий-услубий ва ташкилий жиҳатлари бўйича етарлича ахборотлар базаси шакллантирилганлиги, бу борада махсус илмий-инновацион тадқиқотлар олиб борилаётганлигига гувоҳлик бермоқда. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, «Буюк Британия ва АҚШ компаниялари ўртасида АҚШ Федерал солиқ хизмати (IRS) томонидан савдо битимлари жараёнида трансферт баҳони шакллантиришда роялти ва бошқа харажатларни ноқонуний тақсимлаш натижасида олинган 3,4 млрд. долларлик даромадни Англияда жойлашган Бош корхонага қайтарилганлиги» масаланинг жиддий ва муҳимлигидан далолат беради.

**Калит сўзлар:** солиқ, фискал сиёсат, бюджет, солиқ маъмурияти, солиқ салоҳияти, норматив таҳлил, ижобий таҳлил, солиқ юки, вакиллик солиқ ставкаси, ўртача ставка, солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, таҳлил, позитив таҳлил, солиқ юки, бозор нархи, бошқарув ҳисоби, трансферт баҳо.

## ОБЩИЕ ПРАВИЛА НАЛОГОВОГО КОНТРОЛЯ ПРИ ТРАНСФЕРТНОМ ЦЕНООБРАЗОВАНИИ

**Абдиев Джаҳонгир Ибрагимович**

Ташкентский государственный экономический университет

**Аннотация.** В данной статье для стабилизации финансового положения престижных компаний мира, создания новых рабочих мест и достижения экономического роста необходимо «перейти на международные стандарты управления, использовать трансфертное ценообразование в процессе заключения финансовых сделок на предприятиях». в кластерной и кооперативной системе, а также представлять финансовые и управленческие отчеты по операционным сегментам». Международный опыт свидетельствует о том, что по теоретическим, методологическим и организационным аспектам этих проблем сформирована достаточная информационная база и в этом направлении проводятся специальные научные и инновационные исследования. Согласно исследованию, «Федеральная налоговая служба США (IRS) получила 3,4 миллиарда долларов в результате незаконного распределения роялти и других расходов в процессе торговых операций между британскими и американскими компаниями». что долларовый доход был возвращен основной компании, расположенной в Англии», указывает на серьезность и важность вопроса.

**Ключевые слова:** налог, фискальная политика, бюджет, налоговое администрирование, налоговый потенциал, нормативный анализ, положительный анализ, налоговая нагрузка, репрезентативная налоговая ставка, средняя ставка, налоговая отчетность, налоговые поступления, анализ, позитивный анализ, налоговое бремя, рыночная цена, управленческий учет, трансферная цена.

## GENERAL RULES ON TAX CONTROL IN TRANSFER PRICING

**Abdiev Jakhongir Ibrahimovich**  
Tashkent State University of Economics

**Abstract.** *In this article, in order to stabilize the financial situation of prestigious companies in the world, create new jobs and achieve economic growth, it is necessary to "transition to international standards of management, use transfer pricing in the process of concluding financial transactions in entities of the cluster and cooperative system, and present financial and management reports on operational segments." International experience testifies to the fact that a sufficient information base has been formed on the theoretical, methodological and organizational aspects of these problems, and special scientific and innovative research is being conducted in this regard. According to the research, "US Federal Tax Service (IRS) received 3.4 billion dollars obtained as a result of illegal allocation of royalties and other costs in the process of trade deals between UK and US companies in the process of formation of transfer pricing." that dollar income was returned to the main company located in England" indicates the seriousness and importance of the issue.*

**Keywords:** *tax, fiscal policy, budget, tax administration, tax potential, normative analysis, positive analysis, tax burden, representative tax rate, average rate, tax reporting, tax revenues, analysis, positive analysis, tax burden, market price, management account, transfer price.*

### Кириш.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар пировардида иқтисодийётни жадал ривожланишига замин яратмоқда, бунда молия соҳасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олишнинг муҳим воситаси бўлиб солиқ назорати ҳисобланади. Манзилли ва аниқ мақсадли ўтказиладиган солиқ назорати солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунчилигига риоя этишини ва келгусида солиқ солиқ солинадиган базани кенгайтириши ҳисобига солиқ тушумларини ошишига хизмат қилади. Республикаимизда солиқ назорати бўйича самарали амалиёт йўлга қўйилган бўлса-да, лекин трансферт нархларини белгиланишида солиқ назоратини ташкил қилиш бўйича деярли тажриба мавжуд эмас.

Трансферт нархлар фойданинг солиқ ставкалари паст бўлган мамлакатларга олиб ўтилишига ёки солиққа тортишдан қочишга ёрдам беради. Дунё бўйлаб ҳукуматлар адолатли солиққа тортишни таъминлаш ва берилган имтиёзлар суистеъмол қилинишининг олдини олиш учун трансферт нархларини қатъий назорат қилади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасида трансферт нархлар шаклланишини назорат қилиш йўналиши янгилиги, назорат жараёни энди бошланаётгани туфайли трансферт нархлари шаклланиши ҳисобига бюджетга солиқ тушумларининг тўлиқ тушмаслигини аниқлаш муҳим ҳисобланади.

### Адабиётлар шарҳи.

Трансферт нархни белгилашда илмий тадқиқотлар ривожланган мамлакатларда тадқиқот йўналишини сифатида ўрганилиб келинмоқда.

Хасанов (2003) фикрига кўра трансферт баҳо сиёсати масаласи бўйича молиячи ва маркетинглар ўртасида уни шакллантиришга нисбатан икки муқобил ёндашув –

харажатлар ва қиймат ёндашувлари соҳасида баҳс-мунозара келиб чиқади деб таъкидлаган.

Трансферт баҳолар тўғрисида мулоҳаза юритишда унинг бозор баҳолари билан фарқли жиҳатларига эътибор қаратиш лозим. Амалдаги Солиқ кодексининг «Бозор нархлари тўғрисидаги умумий қоидалар» моддасида битимларнинг нархлари, ушбу битимлар тарафларининг даромадлари ва харажатлари бозор нархлари сифатида тан олиниши учун қуйидаги талаблар бажарилиши таъкидланган: мустақил шахслар ўртасидаги битимлар, биржа савдоларининг натижаларига кўра тузилган битимлардаги шартномавий нархлар банди ёки нархларни келишиш баённомаси, солиқ тўловчи солиқ (зарар) суммаларига мустақил тузатиш киритишни амалга оширмаган бўлса ва қонунчиликда кўрсатилган бошқа ҳолатларда бозор нархи деб топилади.

Соя-Серко (2020) трансферт баҳоларни устидан ўрнатилган солиқ назоратига ишора қилиб, уларни иқтисодий адабиётларда шубҳали ёки ғайриоддий баҳо деб қаралаётганини эътироф этади. Унинг фикрича, трансферт баҳога берилган таъриф ўринли бўлиб, бу ҳолат трансферт баҳоларнинг тижорат мақсадларига эришиш учун бозордан ташқарида томонларнинг келишувига мувофиқ аниқланиши ҳамда айнан солиқ юкини пасайтириш мақсадида қўлланилиши билан изоҳланади.

Аврова (2007) таъкидлашича бошқарув ҳисоби - бу бошқаришнинг режалаштириш, тартибга солиш, ташкиллаштириш ва рағбатлантириш каби функциялари билан бир қаторда бўлган асосий функциясидир. Бу шуни англатадики, бошқарувни такомиллаштириш, бозор механизмини яратиш бухгалтерия ҳисоби тизимини ривожлантириш билан узвий боғлиқдир.

Богатин (2007) бошқарув ҳисобини ишлаб чиқаришни бошқаришнинг бир қисми сифатида тавсифлаб, у корхонани бошқаришда комплекс маълумотлар билан таъминлашни амалга ошириш бошқа турдаги хизматлар билан биргаликда корхонанинг нормал фаолият юритиш жараёнига зарур бўлган инфратузилмаси бўлиб ҳисобланади.

Друри (2003) бошқарув ҳисобини менежерларга ташкилот ишлаш кўрсаткичларини аниқлаш, режалаштириш, назорат қилиш ва баҳолашда зарур бўлган ахборотни етказиб беришда кўради. У ўз ишларида бошқарув ҳисобининг қуйидаги позицияларига эътибор қаратади;

- бошқарув ҳисобининг мақсади;
- ҳисоб ахбороти фойдаланувчилари;
- бошқарув ва молиявий ҳисоб тизимларининг қиёсий хусусиятлари;
- қарор қабул қилиш жараёни;
- трансферт баҳони шакллантириш;
- бошқарув жараёни;
- бошқарув жараёнида бухгалтер-таҳлилчиларнинг роли.

Попова (2014) солиқ потенциални баҳолашнинг ягона методикасини ишлаб чиқишда қуйидагилар билан боғлиқ бўлган илмий асосланган бошқарув қарорлари қабул қилиш зарурлигини кўрсатиб ўтган: донор ҳудудлар ва дотацион ҳудудлар ўртасида ҳудудлараро трансфертлар тақсимланиши; ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясининг ишлаб чиқилиши; амалдаги солиқ тизимининг миқдорий баҳоланиши ва уни янада ривожлантириш йўллари мавжудлиги; ҳудудлар даражасида тармоқлар кесими, шунингдек, солиқ потенциали динамикасининг шаклланиш позицияси бўйича таққослашдан фойдаланиш имкониятлари; солиқ рақобати позициясидан ҳудудларни баҳолаш имкониятини берувчи солиқ потенциални давлатлараро таққосланиши.

### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Трансферт нархнинг ривожланиш тарихи XX аср бошларига тўғри келади, ўшанда капитализмнинг ривожланиши жадал ривожланиб, илмий-техникавий тараққиёт бир корхонанинг бўлинмалари ўртасида товар ва хизматлар алмашинувини рағбатлантирган. Ушбу босқичда трансферт нархлар тушунчаси ҳали мавжуд эмас эди, лекин унинг моҳияти аллақачон аниқ кўриниб турарди. Кейинчалик, компания ичидаги айирбошлаш тенденцияси ривожланиб борар экан, ягона қонунчилик базасини ва нархларни белгилаш методологиясини яратиш зарурати пайдо бўла бошлади, унинг асосида бундай битимлар учун нарх белгиланади. Америка қўшма штатлари қонун ҳужжатларида трансферт нархлари тамойилларини киритган биринчи мамлакат бўлди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасида трансферт нарх тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ўРҚ-599-сонли Қонуни билан тасдиқланган янги таҳрирдаги Солиқ кодексига киритилди. Солиқ кодекси 2020 йил 1 январдан амалга киритилди. Бунда трансферт нархларга бағишланган Солиқ кодексининг VI бўлими 2022 йил 1 январдан амалга киритилиши белгиланган. Ҳозирги вақтда ўзаро боғлиқ бўлган шахслар ўртасида ҳамда назорат қилинадиган битимлар доирасида шаклландиган нархнинг бозор нархларига мувофиқлигини ўрганиш муаммоси жуда долзарбдир.

Солиқ кодексига трансферт нарх ва трансферт нархни белгилаш тушунчаларига тариф берилган бўлиб, унга мувофиқ:

- ўзаро алоқадор тарафлар ўртасидаги битимларда шаклландиган ва (ёки) мустақил шахслар ўртасида битимлар тузилаётганда таққосландиган иқтисодий шароитларда қўлланилиши мумкин бўлган холис тарзда шаклландиган нархдан фарқ қиладиган нарх ушбу Кодекс мақсадида **трансферт нарх** деб тушунилади.

- ўзаро алоқадор тарафлар фаолиятининг мустақил шахслар томонидан таққосландиган иқтисодий шароитларда олиниши мумкин бўлган шароитлар ва натижалардан фарқ қиладиган тижоратга оид ва (ёки) молиявий **шароитлар** ва (ёки) **натижалар** ушбу Кодекснинг мақсадида **трансферт нархни белгилаш** деб тушунилади.

Мазкур бобнинг 1.1-бандида такидлаб ўтганимиздек Солиқ кодексининг V бўлимига мувофиқ солиқ назорати 2 хил шаклда яъни солиқ мониторинги ва солиқ текширувлари шаклида ўтказилади. Ўз навбатида солиқ текширувлари – камерал солиқ текшируви, сайёр солиқ текшируви ва солиқ аудити турларига бўлинади.

Солиқ кодексининг VI бўлимига мувофиқ трансферт нархни белгилашда солиқ назорати эса Солиқ кодексининг 194-моддасида белгиланганидек, трансферт нархни белгилашда солиқ назорати доирасида назорат қилинадиган битимлар тузилганлиги муносабати билан солиқларнинг тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланиши текшируви тури бўйича ўтказилади.

Назорат қилинадиган битимлар тузилганлиги муносабати билан солиқларнинг тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланиши текшируви (*кейинги ўринларда – текширув деб юритилади*) Солиқ кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси томонидан унинг жойлашган ери бўйича ўтказилади.

Текширув Солиқ кодексининг 182-моддасига мувофиқ юборилган назорат қилинадиган битимлар ҳақидаги билдиришнома ёки ҳудудий солиқ органининг хабарномаси асосида, шунингдек солиқ текширувини ўтказиш натижасида назорат қилинадиган битим аниқланган тақдирда ўтказилади.

Текширувда Солиқ қўмитаси томонидан қуйидаги солиқларнинг тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланиши текширилади:

- 1) фойда солиғи;
- 2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;



- 3) ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;
- 4) қўшилган қиймат солиғи;
- 5) акциз солиғи.

**Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиққа** оид қисми бўйича текширув, агар битимнинг тарафларидан бири мазкур солиқни солиқ тўловчиси бўлса ҳамда қазиб олиниши чоғида солиқ солиш адвалор солиқ ставкаси бўйича амалга ошириладиган фойдали қазилма битимнинг предмети бўлса, амалга оширилади.

Шунингдек, **қўшилган қиймат солиғи** ва **акциз солиғига** оид қисми бўйича текширув, агар битимнинг тарафларидан бири тегишли солиқ тўловчиси бўлмаган юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор бўлса, амалга оширилади.

Трансферт нархни белгилашда текширувда юқорида қайд этилган солиқ турлари бўйича **солиқ суммалари камайтирилганлиги** ёки **зарарнинг суммаси кўпайтирилганлиги** аниқланган тақдирда, Солиқ қўмитаси тегишли солиқ базасига ва (ёки) солиқ суммасига **тузатишлар** киритишни амалга оширади.

Мазкур текширувни ўтказиш Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси ёки ҳудудий солиқ органлари томонидан ўтказиладиган солиқ назоратининг предмети бўлиши мумкин эмас.

Солиқ кодексининг 195-моддасида назорат қилинадиган битимлар тузилганлиги муносабати билан солиқларнинг тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланиши текширувини ўтказиш тартиби белгиланган бўлиб, унда қуйидагилар акс эттирилган.

Назорат қилинадиган битимлар тузилганлиги муносабати билан солиқларнинг тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланиши текширувини бошқа текширув турларидан фарқини қуйидаги 1-жадвалда кўришимиз мумкин.

Текширув олти ойдан ошмайдиган муддатда ўтказилади.

Алоҳида ҳолларда, текшириш ўтказишнинг мазкур муддати Солиқ қўмитаси раҳбарининг (раҳбар ўринбосарининг) қарорига кўра ўн икки ойгача узайтирилиши мумкин.

Чет давлат органларидан ахборот олиш, солиқ тўловчи томонидан чет тилида тақдим этилган ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш ва (ёки) ўзбек ёки рус тилига таржима қилиш зарур бўлган тақдирда, текширув ўтказиш муддати қўшимча равишда олти ойдан ошмайдиган муддатга узайтирилиши мумкин.

Агар текширув чет давлат органларидан ахборот олиш учун узайтирилган бўлса ва Солиқ қўмитаси сўралаётган ахборотни олти ой ичида ололмаган бўлса, мазкур текширувни узайтириш муддати қўшимча равишда уч ойга кўпайтирилиши мумкин.

Агар назорат қилинадиган битимларнинг тижорат ва (ёки) молиявий шартларининг мустақил шахслар ўртасидаги таққосланадиган битимларнинг шартлари билан таққосланишини аниқлаш учун солиқ тўловчи ушбу Кодекснинг 23-бобида кўрсатилган усулларни ёки уларнинг комбинациясини қўллаган бўлса, Солиқ қўмитаси текширувни амалга ошириш чоғида солиқ тўловчи томонидан қўлланилган усулни (усуллар комбинациясини) қўллайди.

Агар Солиқ қўмитаси назорат қилинадиган битимни тузиш шартларидан келиб чиққан ҳолда солиқ тўловчи томонидан қўлланилган усул (усуллар комбинацияси) назорат қилинадиган битимларнинг тижорат ва (ёки) молиявий шартларининг мустақил шахслар ўртасидаги таққосланадиган битимлар шартлари билан таққосланиши мумкинлиги ёки таққослана олмаслиги тўғрисида асосланган хулоса чиқаришга имкон бермаслигини исботласа, бошқа усул (усуллар комбинацияси) қўлланилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 мартдаги 111-сонли қарори билан “Назорат қилинадиган битимлар тузилганлиги муносабати билан солиқ текширувини ўтказиш муддатини узайтириш асослари ва тартибини белгилаш тўғрисида” низом тасдиқланган.

## Солиқ назоратини амалга ошириш усуллари бўйича қиёсий таҳлил

|   | Солиқ аудити  | Камерал солиқ текшируви   | Трансферт текшируви   |
|---|---|---|---|
| Бошлашга асос   | Буйруқ  | Буйруқ  | Қарор   |
| Ўтказиш жойи  | Солиқ тўловчининг ҳудудида  | Солиқ органи жойлашган жойда  | Солиқ қўмитасида  |
| Солиқ тўловчини хабардор қилиш                        | Текшириш бошланишидан камида <b>30</b> календарь кун олдин  | Текшириш бошланишидан камида <b>10</b> иш куни олдин  | Қарор қабул қилинган кундан <b>3</b> кун ичида  |
| Бошланиш куни   | Солиқ тўловчига буйруқ топширилган кундан   | Буйруқда кўрсатилган санадан бошланади  | Қарор чиқарилган кундан   |
| Муддати   | <b>30</b> иш куни   | <b>30</b> кун   | <b>6</b> ой   |
| Муддатни узайтириш                                    | Максимал муддат <b>6</b> ой   | Максимал муддат <b>60</b> кун   | Максимал муддат <b>21</b> ой  |
| Ҳужжат талаб қилиш ҳуқуқи                             | Мавжуд  | Мавжуд эмас   | Мавжуд  |
| Мавзуси   | Белгиланган даврда <b>барча солиқлар</b> тўғри ҳисобланганлиги  | Белгиланган даврда <b>барча солиқлар</b> ёки <b>солиқнинг бир (бир неча) тури</b> тўғри ҳисобланганлиги                         | <b>Назорат қилинадиган битимлар</b>   |
| Ўтказилишини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат | Солиқ кодексининг <b>140-моддаси</b> , Вазирлар Маҳкамасининг 07.01.2021 йилдаги <b>1-сонли қарори</b> билан тасдиқланган Низом | Солиқ кодексининг <b>138-моддаси</b> , Вазирлар Маҳкамасининг 07.01.2021 йилдаги <b>1-сонли қарори</b> билан тасдиқланган Низом | Солиқ кодексининг <b>194-195-моддалари</b> , Вазирлар Маҳкамасининг 10.03.2022 йилдаги <b>111-сонли қарори</b> билан тасдиқланган Низом |
| Якуни бўйича тузиладиган ҳужжат                       | <b>Далолатнома</b>  | <b>Далолатнома</b> ва <b>хулоса</b> тузилади  | Дастлаб <b>маълумотнома</b> , солиқ базаси камайтирилганлиги фактлари аниқланганида эса, <b>2 ой ичида далолатнома</b> ҳам тузилади     |

**Манба:** тадқиқотчи томонидан мустақил шакллантирилган.

Мазкур низомда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 195-моддасига мувофиқ назорат қилинадиган битимлар тузилганлиги муносабати билан солиқ текширувини ўтказиш муддатини узайтириш тартиби белгиланган.

Авалло трансферт нархларни тартибга солишга қаратилган умуммажбурий халқаро ҳужжатлар мавжуд бўлмасда иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) томонидан трансмилий корхоналар ва солиқ органлари учун трансферт нархлар бўйича Қўлланма (Transfer pricing guidelines for multinational enterprises and tax administrations) ишлаб чиқилган ва 2010 йил 22 июлда тасдиқланган. Бу тавсиявий тусдаги ҳужжат бўлиб, унинг қоидалари турли мамлакатлар, жумладан ИХТТ аъзоси

бўлмаган давлатлар миллий қонунчилигида ҳам ўз аксини топган. Ҳозирда амалда бўлиб турган Қўлланма 1979 йилда қабул қилинган Трансферт нархлар бўйича Ҳисоботнинг янги таҳрири ҳисобланади.

Тушуниш осон бўлиши учун шартли мисолларда ушбу жараёнларни кўриб чиқамиз.

1-мисол. Назорат қилинадиган битим бўйича маҳсулот бирлиги учун нарх – 25,4 минг сўмдан белгиланиб реализация қилинган.

Таққосланадиган битимлар бўйича маҳсулот бирлиги учун турли корхоналарга нисбатан қўлланилган қуйидаги нархлар таҳлил қилинмоқда: 25,6 минг сўм, 28,7 минг сўм, 25,0 минг сўм, 26,8 минг сўм, 25,0 минг сўм, 31,5 минг сўм, 28,7 минг сўм, 25,0 минг сўм, 34,5 минг сўм, 32,8 минг сўм, 33,6 минг сўм. Ушбу маълумотлар асосида бозор нархлари оралиғини аниқлаш ва назорат қилинадиган битимнинг нархи билан солиштирган ҳолда трансферт нархлари бўйича солиқ назорати амалга оширилиши юзасидан хулоса чиқариш талаб этилади.

Солиқ кодексида келтирилган қоидага мувофиқ бизнинг мисолимизда келтирилган бир хил товарлар предмети бўлган бир нечта таққосланадиган битим тўғрисида ахборот мавжуд бўлганда, бозор нархлари оралиғини ҳисоблашда дастлаб таққосланадиган битимларда қўлланилган, бозор нархлари оралиғини аниқлаш учун фойдаланиладиган нархлар мажмуи ушбу оралиқни аниқлаш учун фойдаланиладиган тўпلامни ҳосил қилган ҳолда ўсиб бориш тарзида тартибга солинади. Бунда нархнинг ҳар бир кўрсаткичига, энг кам миқдоридан бошлаб ўз тартиб рақами берилади. Лекин келтириладиган шартли мисолда 25,0 минг сўм нарх уч марта қайта такрорланаяпти, 28,7 минг сўм нарх икки марта такрорланаяпти. Бундай ҳолатларда, агар тўпلام нархнинг икки ва ундан ортиқ бир хил қийматини ўз ичига олган бўлса, унга барча бундай кўрсаткичлар киритилади.

Таққосланадиган битимларда қўлланилган нархлар кўрсаткичлари мажмуи ўсиб бориш тартибида қуйидагича жойлаштирилади:

1. 25,0 минг сўм;
2. 25,6 минг сўм;
3. 26,8 минг сўм;
4. 28,7 минг сўм;
5. 31,5 минг сўм;
6. 32,8 минг сўм;
7. 33,6 минг сўм;
8. 34,5 минг сўм.

Сўнгра тўпلامда таққосланадиган битимларда қўлланилган нархлар кўрсаткичлари сони 4 га қолдиқсиз бўлинишига боғлиқ ҳолда бозор нархлари оралиғи қуйидаги икки усулдан бири билан аниқланади:

1) агар ушбу сон қолдиқсиз бўлинса, бозор нархлари оралиғининг энг кам кўрсаткичи таққосланадиган битимларда қўлланилган нархлар кўрсаткичларининг ярим суммасига тенг деб қабул қилинади, мазкур кўрсаткичлар тўпلامда бўлинишдан ҳосил бўлган қисмга тенг бўлган тартиб рақамига ва кейинги тартиб рақамига эга бўлади. Бозор нархлари оралиғининг энг юқори қиймати ушбу ҳолда таққосланадиган битимларда қўлланилган нархлар кўрсаткичларининг ярим суммасига тенг деб қабул қилинади, мазкур кўрсаткичлар тўпلامда бўлинишдан ҳосил бўлган қисмнинг уч каррасига тенг бўлган тартиб рақамига ва кейинги тартиб рақамига эга бўлади;

2) агар ушбу сон қолдиқсиз бўлинмаса бўлинса, бозор нархлари оралиғининг энг кам қиймати таққосланадиган битимларда қўлланилган нарх кўрсаткичига тенг деб қабул қилинади, мазкур кўрсаткич тўпلامда бўлинишдан ҳосил бўлган қисмнинг бутун қисми бирлигига оширилган кўрсаткичга тенг бўлган тартиб рақамига эга бўлади. Бозор нархлари оралиғининг энг юқори кўрсаткичи ушбу ҳолда таққосланадиган

битимларда қўлланилган нарх кўрсаткичига тенг деб қабул қилинади, мазкур кўрсаткич тўпلامда бўлинишдан ҳосил бўлган қисмнинг бутун қисми уч карраси бирлигига оширилган қийматга тенг бўлган тартиб рақамига эга бўлади.

Келтирилган шартли мисолда таққосланадиган битимларда қўлланилган нархлар кўрсаткичлари сони 4 га қолдиқсиз ( $8/4=2$ ) бўлинганлиги туфайли бозор нархлари оралиғининг энг кам кўрсаткичи 26,2 минг сўмга тенг, чунки кўрсаткичлар тўпلامда бўлинишдан ҳосил бўлган қисмга тенг бўлган тартиб рақамига ва кейинги тартиб рақамига эга бўлган кўрсаткичларнинг ярим суммасига тенг деб қабул қилинади, 2-кўрсаткич 25,6 минг сўм ва 3-кўрсаткич 26,8 минг сўмларнинг ярми ( $(25,6+26,8)/2$ ).

Бозор нархлари оралиғининг энг юқори миқдори 33,2 минг сўмга тенг, чунки кўрсаткичлар тўпلامда бўлинишдан ҳосил бўлган қисмнинг уч каррасига тенг бўлган тартиб рақамига ва кейинги тартиб рақамига эга бўлган кўрсаткичларнинг ярим суммасига тенг деб қабул қилинади, 6 ( $2*3$ ) кўрсаткич 32,8 минг сўм ва 7 ( $6+1$ ) кўрсаткич 33,6 минг сўмларнинг ярми ( $(32,8+33,6)/2$ ).

Солиқ кодексига мувофиқ агар назорат қилинадиган битимнинг нархи бозор нархлари оралиғи чегарасида бўлса, солиқ солиш мақсадларида ушбу нарх бозор нархларига мувофиқ бўлган нарх деб эътироф этилади. Агар назорат қилинадиган битимнинг нархи бозор нархлари оралиғининг энг кам миқдоридан кам бўлса ёки унинг энг кўп миқдоридан кўп бўлса, ушбу нарх бозор нархларига мувофиқ бўлмаган нарх деб эътироф этилади. Бизнинг мисолимизда бозор нархлари оралиғи 26,2 минг сўм билан 33,2 минг сўм оралиғида бўлганлиги учун Назорат қилинадиган битим бўйича маҳсулот бирлиги учун белгиланган 25,4 минг нарх бозор нархларига мувофиқ бўлмаган нарх деб эътироф этилади. Ушбу ҳолатда солиқ солиш мақсадида бозор нархлари оралиғининг ўртача қийматига тенг бўлган нарх қабул қилинади, яъни маҳсулот бирлиги учун нарх 29,7 ( $(26,2+33,2)/2$ ) минг сўм деб ҳисобланиб, шу бўйича солиқлар қайта қўшимча ҳисобланади.”

Назорат қилинадиган битим тарафи мансуб бўлган тармоқда, ушбу тарафга нисбатан мустақил юридик шахслар мавжуд бўлмаганда функционал таҳлил учун юридик шахсларни танлаш ушбу юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган вазифаларнинг таққосланишини, улар томонидан қабул қилинадиган таваккалчиликларни ва фойдаланиладиган активларни инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

Таққосланадиган тўртта ва ундан ортиқ битим тўғрисидаги ахборот мавжуд бўлмаганда ёхуд таққосланадиган тўртта ва ундан ортиқ юридик шахснинг молиявий ҳисоботи мавжуд бўлмаганда, рентабеллик оралиғини аниқлаш мақсадида кам сондаги таққосланадиган битимлар (кам сондаги юридик шахсларнинг молиявий ҳисоботи) тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш мумкин.

Дастлаб рентабеллик оралиғини аниқлаш учун фойдаланиладиган рентабеллик жами кўрсаткичлари ушбу оралиқни аниқлаш учун фойдаланиладиган танламани ҳосил қилган ҳолда, ўсиб бориш тарзида тартибга келтирилади. Бунда рентабелликнинг ҳар бир кўрсаткичига, энг камидан бошлаб ўз тартиб рақами берилади. Агар танланма рентабелликнинг икки ва ундан ортиқ бир хил кўрсаткичини ўз ичига олса, унга барча шундай кўрсаткичлар киритилади.

Рентабеллик оралиғини аниқлашда назорат қилинадиган битим рентабеллиги ҳисобга олинмайди. Сўнгра тўпلامда рентабеллик кўрсаткичларининг сони тўртга қолдиқсиз бўлинишига қараб, рентабеллик оралиғи қуйидаги икки усулдан бири билан аниқланади:

1) агар ушбу сон қолдиқсиз бўлинса, рентабеллик оралиғининг энг кам кўрсаткичи рентабеллик кўрсаткичларининг ярим суммасига тенг деб қабул қилинади, мазкур кўрсаткичлар танламада бўлинишдан ҳосил бўлган қисмга тенг бўлган тартиб рақамига ва кейинги тартиб рақамига эга бўлади. Рентабеллик оралиғининг энг юқори қиймати



бундай ҳолда рентабеллик кўрсаткичларининг ярим суммасига тенг деб қабул қилинади, мазкур кўрсаткичлар танламада бўлинишдан ҳосил бўлган қисмнинг уч каррасига тенг бўлган тартиб рақамига ва кейинги тартиб рақамига эга бўлади;

2) агар ушбу сон қолдиқсиз бўлинмаса, рентабеллик оралиғининг энг кам қиймати рентабеллик кўрсаткичига тенг деб қабул қилинади, мазкур кўрсаткич танламада бўлинишдан ҳосил бўлган қисмнинг бутун қисми бирлигига оширилган кўрсаткичга тенг бўлган тартиб рақамига эга бўлади. Рентабеллик оралиғининг энг юқори кўрсаткичи бундай ҳолда рентабеллик кўрсаткичига тенг деб қабул қилинади, мазкур кўрсаткич танламада бўлинишдан ҳосил бўлган қисмнинг бутун қисми уч карраси бирлигига оширилган қийматга тенг бўлган тартиб рақамига эга бўлади.

Таққосланадиган иқтисодий шартларда (тижорат шартларида) амалга ошириладиган фаолият натижалари бўйича рентабелликни ҳисоб-китоб қилиш юридик шахс молиявий ҳисоботининг маълумотлари асосида қуйидаги шартларга бир вақтда риоя қилинганда амалга оширилиши мумкин:

1) юридик шахс таққосланадиган фаолиятни амалга оширади ва у билан боғлиқ таққосланадиган вазифаларни бажаради. Фаолиятнинг таққосланиши Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турларининг умумдавлат таснифида, шунингдек халқаро ва бошқа таснифларда назарда тутилган иқтисодий фаолият турларини ҳисобга олган ҳолда аниқланиши мумкин;

2) юридик шахс соф активларининг умумий миқдори рентабеллик ҳисоб-китоб қилинадиган бир неча йилдан охириги йилнинг 31 декабри ҳолатига кўра молиявий ҳисобот маълумотлари бўйича манфий ҳисобланмайди;

3) юридик шахс рентабеллик ҳисоб-китоб қилинадиган бир неча йилдан бир йилдан ортиқ даврдаги молиявий ҳисобот маълумотлари бўйича сотувлардан зарарларга эга бўлмайди;

4) юридик шахс 25 фоиздан ортиқ бўлган улуш билан бошқа юридик шахс фаолиятида бевосита ва (ёки) билвосита иштирок этмайди ҳамда бевосита иштирок этиш улуши 25 фоиздан ортиқ бўлган иштирокчи (акциядор) сифатидаги юридик шахсга эга бўлмайди.

Рентабеллик оралиғини ҳисоб-китоб қилиш учун назорат қилинадиган битим тузилган пайтдаги ёхуд вақт бўйича унга яқин бўлган, аммо битим тузилган календарь йилнинг 31 декабридан кечикмаган пайтдаги мавжуд ахборотдан фойдаланилади.

Рентабелликни ҳисоб-китоб қилишда юридик шахс 25 фоиздан ортиқ бўлган улуш билан бошқа юридик шахс фаолиятида бевосита ва (ёки) билвосита иштирок этмайди ҳамда бевосита иштирок этиш улуши 25 фоиздан ортиқ бўлган иштирокчи (акциядор) сифатидаги юридик шахсга эга бўлмайди деган қоида бизнинг фикримизча нотўғри ҳисобланади. Сабаби, мазкур қоида киритилишидан мақсад ўзаро боғлиқ бўлган шахсларнинг ҳисобот маълумотларидан фойдаланмаган ҳолда рентабелликни аниқлаш ҳисобланади. Лекин, ўзаро боғлиқликдаги 25 фоиз кўрсаткич ўзаро боғлиқ бўлган шахсларнинг ҳисобот маълумотларидан ҳам фойдаланишни назарда тутаяди. Шу сабабли ва Солиқ кодексининг 37-моддасига асосан ўзаро боғлиқлик фоизи 20 фоиз этиб белгиланганлиги сабабли мазкур 25 фоиз 20 фоизга ўзгартирилса мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

### **Хулоса ва таклифлар.**

1. Назорат қилинадиган битимларда солиқ солиш мақсадида даромадларни солиқ қонунчилигида назарда тутилган тартибда аниқлашда фойдаланиш учун рентабеллик кўрсаткичларини баҳолаш бўйича дастурий маҳсул яратилиши мақсадга мувофиқ.

2. Назорат қилинадиган битимларда солиқ солиш мақсадида даромадларни аниқлаш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқиш ва назорат қилинадиган битим тўғрисидаги хабарномани тақдим этиш учун ягона муддатни белгилаш лозим.

3. Трансферт нархни белгилашда солиқ назорати доирасида назорат қилинадиган битимлар тузилганлиги муносабати билан солиқларнинг тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланиши текширувини ўтказиш ваколатини худудий солиқ органларига ҳам бериш мақсадга мувофиқ.

4. Солиқ органлари назорат қилинадиган битим мавжуд эканлигини аниқлаган тақдирда текширув ўтказилиши имконини бериш бўйича тегишли ўзгартиришлар Солиқ кодексига киритилиши зарур.

#### **Адабиётлар:**

Аврова И.А. (2007) *Управленческий учет.* – М.: Бератор-паблишинг. – 324с.

Богатин Ю.В. (2007) *Управленческий учет: информационное обеспечение рациональных плановых решений фирмы.* – М.: Финансы и статистика. – 512 с.

Друри К. (2003) *Управленческий учет для бизнес-решений: Учебник; Пер. с англ.* М.:ЮНИТИ-ДАНА. – 655 с.

Кодекс (2019, 2020) *Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги таҳрири).* 176-178 моддалар. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.12.2019 й., 02/19/СК/4256-сон; 11.03.2020 й., 03/20/607/0279-сон. [www.lex.uz/docs/4674902](http://www.lex.uz/docs/4674902).

Попова Г.Л. (2014) *Классификация формализованных методов оценка налогового потенциала. Экономический анализ: теория и практика.*34 (385) –с.44-55.

Соя-Серко А.А. (2020) *Трансфертное ценообразование: на что нужно обратить внимание аудиторам.* [www.cyberleninka.ru/article/n/transfertnoe-tsenoobrazovanie-na-chto-nuzhno-obratit-vnimanie-auditoram](http://www.cyberleninka.ru/article/n/transfertnoe-tsenoobrazovanie-na-chto-nuzhno-obratit-vnimanie-auditoram) (мурожаат қилинган сана: 17.04.2020)

Хасанов Б.А. (2003) *Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. Монография.* –Т.: «Молия», б. 154.